

Кун нафаси



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг жануби-шарқий вилоятларида рўй берган кучли zilzila оқибатида кўпlab инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Биродар Туркия халқига, вафот этганлар ва жабрланганларнинг оилалари ва яқинларига далда сўзлари билдирилди.

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. 7 февраль куни Ўзбекистондан Туркияга гуманитар ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳи жўнатилиши режалаштирилган.

Икки томонлама кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.


ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХИТОЙ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавкулда ва мухтор элчиси Цзян Янни қабул қилди.

БЕЛАРУСЬ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ



Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лаизиз Кудратов Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Леонид Маринич билан учрашув ўтказди.

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ УЧУН

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.



Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

2023-yil 7-fevral seshanba № 18 (4770)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Президент ташрифидан сўн

ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Фарғона дейилганда, беихтиёр кўз олдимизда чароғон қуёш, баҳор чечакларининг нозларидан сархуш дашту далалар, булбул нағмаларига уйқаш қир-адирлару лола, кўзигуларнинг заъфарон чехраларида маржон-маржон товлангучи тонг шабнамлари жиллолиб; баҳорпарвар шоир Ҳамид Олимжоннинг «Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда...» дейилмиш шуқуҳли байтлари эсимизга тушади. Тушади, ва... руҳониятимиз райҳонлар атрига кўмилиб, тўлиб-тошиб бораётгандек бўлаверади.

Илло, Фарғона водийси минтақавий манзили ва гўзал табиатига кўра азал-азалдан абадий ашилликлари, мангу баҳор тимсолига айланиб кетган. Бу маконнинг ҳар гўшасида Бобуру Машраб, Фурқату Муқимий, Нодираю Увайсий ғазалларини хиргойи қилиб, бахтиёр ва хуррам яшаётган чўпонлар билан деҳқонларга, Усмон Носир ёхуд Муҳаммад Юсуфдан шеърлар айтаётган йигит-қизларга дуч келасиз.

Битмас-туганмас илҳом манбаи бўлмиш бу заминнинг уч ҳудуди – Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари сўнгги йилларда яна ҳам чирой очиб, ривожланиб, юксалиб, яна ҳам дилбар бўлиб бораётгани гўзал ташбеҳларга сазовордир. Водий аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари туфайли, албатта, бу ерда янги иморатлар, боғроғлар, энг замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафта ана шу заминда бўлди. Водийликларнинг ҳаёти, ишлари билан танишди, улар билан самимий суҳбатлар қилди. Президент раҳбарлигида келгусидаги режалар яна бир марта таҳлил қилинди.

Ушбу таассуротларимиз водийнинг «Уч оғайни ботирлар»идан бири – Фарғона вилояти ҳақидадир.



>>> 3



СУҒУРТА ПУЛИНИ СУҒУРИБ ОЛИШ КЕРАКМИ?

Акx ҳолда, оддий ўқитувчига товон пули нега икки йилдан буён тўланмади?

Сайхунбод туманидаги 27-умумтаълим мактаб ўқитувчиси Жўрабек Низомов 2021 йил қишида шу ўқув масканининг сирпанчик зинапоясидан йиқилиб тушди. Оқибатда ўнг биланининг суяклари тўлиқ жойидан ёпиқ синиши билан боғлиқ жараҳат олди. Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ноҳус воқеа юзасидан текшириш ўтказилиб, муаллимнинг соғлиғига зарар етгани, у касбий меҳнат лаяқатини 15 фозга йўқотгани ҳақида далолатнома тўдрилиди.

Иш берувчи ва суғурта компанияси ўртасида 2020 йил 26 мартда расмийлаштирилган суғурта шартномасида эса бир йил муддатга суғурта жавобгарлиги белгиланганди. Бироқ «Kafolat sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятининг вилоят филиали директори рўй берган ҳодисани суғурта дъволарини кўриб чиқиш департаменти ўрганиб, ходим ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли зинапоядан йиқилган деган

хулосага келганини ва суғурта товони тўлаш рад этилганини маълум қилди.

Шундан сўнг Жўрабек Низомов амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Шикоятни касба уюшмаси меҳнат инспектори Абдуқамол Ҳажимов атрофлича кўриб чиқиб, зарур миқдордаги зарар ҳамда нафақа пулларини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига дъво аризаси киритди. Суднинг 2022 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан дъво қаноатлантирилиб, Жўрабек Низомовга 3 миллион 37 минг 940 сўмлик зарар ва бир йўла берилган 22 миллион 119 минг 585 сўмлик нафақа пули ундирилиши белгиланди.

Аммо жавобгар томон бу қарордан норози бўлиб, апелляция шикоятни битди. Қарабсизки, бахтсиз ҳодиса

бўйича қайтадан текшириш ўтказилди. Пировардида мактабни таъмирлаш чоғи кираверишдаги зинасига кафеллар ётқизилгани, бу жараёнда улар очик жойда қиш пайти сирпанчик бўлиши инобатга олинмагани, иш берувчи «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси талабларини бузгани аниқланди. Шунга биноан, вилоят суди биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини тўғри деб топди.

Таажубки, жавобгар яна хатоларини тан олмай, бу сарфар кассасида тартибда шикоят ёзди. Олий суд эса жорий йилнинг 13 январида можарони ҳар томонлама ўрганиб, куйи судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмадан қолдирди.

Зарар ёки товон пулларини ундиришга оид бу каби мурожаатлар оз эмас. Лекин суғурта ташкилотидан осон-

ликча пул олиб бўлмади. Масала судлар аралашуви билан ҳал этилгунга қадар эса, баъзан ойна-йиллаб елиб-югуришга, кўп изтироб чекишга тўғри келади. Бундай ҳолатни Жўрабек Низомов ҳам ўз бошидан ўтказди. Адолат тикла-риши учун салкам икки йил вақт сарфлади. Гоҳ «Ўқитувчининг қадр-қиммати шуми? У соғлиғини тиклаши ва ўзини ўнглаб олиши учун 25 миллион сўм ажратиш шунчалар қийинми?» дея бот-бот ҳазин хаёлларга толди. Унинг ҳақлигини судлар тасдиқлаб турса-да, суғурта ташкилоти масъуллари зиммаларидagi мажбуриятни бажаришдан бош тортишгандан ҳайратга тушди.

Бу воқеадан тегишли хулосани ўзининг чиқариб олаверасиз, деган умиддаимиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА «ISHONCH»

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда... Муаммо кўп, ЕЧИМ БИТТА

Айни вақтда ҳудудларда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш борасида юририлаётган «Аёллар дафтари»нинг кейинги босқичи давом этмоқда. Галдаги ҳаракатда эҳтиёжманд аёлларни қандай афзалликлар қутаяпти? Уларнинг кўнгил тубида яна қандай ўйлар бор?

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича республика комиссиясининг Самарқанд вилояти штаби раҳбари ўринбосари Баҳодир Султонов Пайариқ туманида хонадонма-хонадон юриришга жазм этди.

Қишлоқлараро айланишларда уй бекалари билан учрашилди. Биргина «Мустақиллик» МФИдаги 31 та кўчада 4700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳудудда 2900 нафар аёлнинг 832 нафари ўттиз ёшдан ошган. Жамоатчилик ко-

миссияси уларнинг ҳар бири билан учрашиб, муаммоларни қоғозга туширди.

– «Аёллар дафтари» қайдномаларида акс эттирилган муаммоларнинг ҳаққонийлигини таҳлил қиляпмиз, – дейди Баҳодир Султонов. – Муддао аёлнинг кўнглидаги орзуларини ушалтириш. Бу йўналишда расмиятчиликка ўрин бўлмаслиги керак.

Булунғур, Иштихон ва бошқа бир қатор туманларда ҳам аёллар билан учрашилиб, уларни қийнаётган муаммоларга маҳаллий мутасаддиларнинг муносабатлари ўрганилди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

Қулоғингиз том битганми? Ёхуд қулоқчиндан қачон фойдаланиш керак?

Ис гази – «қўринмас қўл»нинг ўлжаси кимлар бўлмоқда?

Рақамли аутизм: меъёрлар унутилганда...



Андижон вилояти

Тадбир

Ўзгаришлар нимада?

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳабибулло Усмонов, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабга уюшмаси Андижон вилояти бирлашган қўмитаси раиси Мансуржон Матисаев, вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси ва Ўзбекистон ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси мутахассислари, мазкур бошқармалар тизимидаги спорт мактаблари, ёшлар ишлари агентлиги туман, шаҳар бўлимлари раҳбар-ҳодимлари иштирокида янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси юзасидан ўтказилган тадбирда ундаги ўзгаришларга алоҳида тўхталинди.

– Тизимдаги ташкилот ва муассасалар жамоа шартномалари мuddати тугаш арафасида. Шундан келиб чиқиб, биз шу йилнинг 30 апрелидан янги жамоа шартномасини қабул қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ишчи-ҳодимлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб олишлари учун ташкил этилган ушбу тадбир бу йўлда дастуриламал бўлиши аниқ, – дейди вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси касабга уюшма қўмитаси раиси Одинахон Қодирова.

Тадбирда мавзуга оид саволларга атрофлича жавоб берилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Ўзбекистон касабга уюшмалари
Федерацияси Андижон вилояти кенгаши
ташқилий ишлар бўлими мудири



Наманган вилояти

Давра суҳбати

2022 йилнинг 29 октябрь куни янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилинган эди. У шу йилнинг 30 апрелида кучга киради ва 1995 йилдан бери амалда бўлиб келган Меҳнат кодексининг ўрнини эгаллайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги ушбу кодекс 7 бўлим, 34 боб ва 581 моддадан иборат.

Янгиликлар батафсил тушунтирилди

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тизимдаги ишчи-ҳодимларга янги кодекснинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, ундаги ўзгаришлар, келтирилган шарҳлар тўғрисида батафсил маълумот бериш мақсадида давра суҳбати ташкил этди.

Унда Наманган шаҳар халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари мудири, тизимдаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари ди-

ректорлари, тармоқ кенгашининг бошланғич касабга уюшма қўмитаси раислари ҳамда ҳуқуқий соҳа вакиллари иштирок этишди.

– Янги Меҳнат кодексининг электрон шакли ва унга шарҳлар тарғибот учун барча ташкилотларимизга етказилган. Ҳозирда жойларда тушунтириш ишларини бошлаб юборганмиз, – дейди Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмал Умаров. – Қонуннинг моҳияти ва аҳамиятини

қуйи ташкилотларга етказиш учун ташкил этилган бугунги давра суҳбатида янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси иш берувчиларга тарқатилди.

Давра суҳбатида янги Кодексда меҳнат ҳуқуқлари тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш ҳамда аёлларга берилган қўшимча ҳуқуқлар борасида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кодексдаги янгиликлардан яна бири шуки, йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам мuddати йигирма бир календарь куни этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди. Илгари таътил 15 иш кунидан давом этарди. Шунингдек, Меҳнат кодексидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари кенгайтирилиб, унга асра, ходимнинг пенсия ёшига етганиги сабабли иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тақиқланди.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Ҳуқуқ

Фуқаро Нурулло Алиев ўз ҳуқуқларини тиклаш юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига мурожаат қилган эди. Суд муҳокамаси касабга уюшма вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

Вакиллик органи розилиги олинмаган эди



Гап шундаки, Н.Алиев 2022 йил 18 майдан бошлаб Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 3 ой синов мuddати билан навбатчи қоровул вазифасига ишга қабул қилинган.

2022 йил 29 июндан бошлаб эса у билан тузилган меҳнат шартномаси 87-моддасига асосан бекор қилинган. Иш берувчи буйруқда Н.Алиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандидан келиб чиқиб иш тугган.

Ўрганишда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2018 йил 3 январда тасдиқланган ички меҳнат тартиб қоидаларининг 2.35-бандида кўрсатилган меҳнат муносабатларининг биронтаси ҳам кўпол равишда бузилмагани аниқланди. Шу билан бирга, иш берувчи Н.Алиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ундан тушунтириш хати талаб қилмагани ҳамда касабга уюшмаси қўмитаси розилиги олинмагани ҳам маълум бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2022 йил 12 октябрдаги Ҳал қилган қарорига кўра даъво қаноатлантирилди. Н.Алиев Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига навбатчи қоровул вазифасига ишга тикланди, мажбурий бекор юрган вақтлари ҳамда тегишли маънавий зарарлар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори,
Тошмухаммад ДАВЛАТОВ,
Кенгаш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси



Қашқадарё вилояти



Ташаббусга ундаган ишонч

Шаҳрисабз шаҳридаги 14-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби каттагина меҳнат жамоага эга бўлиб, 9 нафар халқаро сертификатга эга педагог бор. Олий тоифали ўқитувчилар ҳам талайгина.

Мактаб инглиз тилига ихтисослаштирилган. Инглиз тили хоналарининг барчаси дарсларни ноанъанавий усулда, замонавий технологиялар ёрдамида ўтишга шай қилинган. Проектор, телевизор, компьютер, ҳар хил кўргазмалар қуроллар, мухтасар айтганда, ҳавас қилгулик шароит ўқитувчи ва ўқувчиларга фақат яхши ўқитиш ва ўқиш масъулиятини юклайди.

Фақат инглиз тилидан эмас, деярли барча фанлардан ўқувчиларнинг фан олимпиадаларидаги натижалари юқори. Шу боис, чет тили мутахассиси Хосият

Абдурахмонова, информатика ўқитувчилари Улуғбек Хидиров, Умида Комилова, Дилноза Саъдуллаева, рус тили фани устози Дилмурод Яҳеевнинг иш тажрибалари, дарс ўтиш услубияти бошқа таълим муассасаларида ҳам тарғиб этилмоқда.

1400 нафарга яқин ўқувчи икки навбатда тахсил олиши, шунингдек, барча фанлардан қўшимча машғулотлар йўлга қўйилганини ҳисобга олсак, педагогларнинг муносиб дам олиши ҳам ўта муҳим масала. Шунга кўра, мактаб маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси турли тадбирлар ишлаб чиққан. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун иккита спорт зали мавжуд. Айнан педагогларнинг машғулоти ҳамда мусобақалари учун Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан спорт

жиҳозлари берилган. Мана шундай ишлар ҳосиласи ўлароқ яқинда волейбол бўйича хотин-қизлар жамоаси тармоқ спартакиадасининг шаҳар босқичида ғолиб бўлди. Педагогларнинг шахмат-шашка, дартс спорт турлари бўйича оммавий мусобақалардаги натижалари ҳам яхши.

«Маънавият соатлари» туркумига кирувчи турли учрашув ва кечалар ташкил этишда ҳам яхши анъаналарга эгамиз. Масалан, шу кунларда ўқитувчи ва ўқувчиларимиз «Навоийхонлик» ҳамда «Бобурхонлик» тадбирлари га қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Меҳнат таътили вақтида саломатлигини тикламоқчи бўлган ходимларга тармоқ касабга уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан санаторий йўллари малаери берилляпти. Жумладан, яқинда фидойи ўқитувчи Сайёра Алиқулова «Чортоқ» сийхатгоҳида дам олиб келди. Яна икки нафар педагог «Қашқадарё соҳили» санаторийсида бепул соғломлаштирилди.

Педагоглар юқори натижаларига муносиб равишда белгиланган устама маошларини олаётгани эътиборли. Бироқ қолганлар-чи? Ахир, иш кўлами катта, аммо маоши кам бўлган ходимлар ҳам бор-ку! Масалан, фаррошлар, боғбонлар... Уларни ҳам унутишга ҳақимиз йўқ. Шуларни ҳисобга олиб, яқинда касабга уюшма қўмитаси ташаббуси билан 10 нафар хўжалик ходимига моддий ёрдам берилди.

Ўзаро ҳурмат ва ишонч янги-янги ташаббуслар сари қўшқанот бўлаётгани қалбимизда иштиёқ туйғусини уйғотди.

Комила ШОИМОВА,
Шаҳрисабз шаҳридаги
14-ихтисослаштирилган умумтаълим
мактаби касабга уюшма қўмитаси раиси

Эътибор

1400 нафарга яқин ўқувчи икки навбатда тахсил олиши, шунингдек, барча фанлардан қўшимча машғулотлар йўлга қўйилганини ҳисобга олсак, педагогларнинг муносиб дам олиши ҳам ўта муҳим масала. Шунга кўра, мактаб маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси турли тадбирлар ишлаб чиққан.



Фарғона вилояти

Фарғона иссиқлик электр марказида бугун 800 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг зиммасига Фарғона шаҳридаги йирик заводларга иссиқлик ва электр энергияси, шу билан бирга, кўп қаватли ва ижтимоий объектларга иссиқлик манбаи етказиб бериш каби муҳим вазифа юкланган.



Маррани катта олганмиз

Айтиш жоизки, корхона маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасидан ишчи-ҳодимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, саёхатлар уюштириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Корхонада ходимлар саломатлиги ва меҳнат муҳофазасига катта эътибор қаратилади. Утган йили ходимлардан 47 нафари юртимиздаги турли сийхатгоҳларда соғлигини мустаҳкамлаб қайтган бўлса, 363 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. 219 нафари тарихий шаҳарларга саёхатга олиб берилди.

Касабга уюшма аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил қилиб келинмоқда. Хусусан, ўтган

йили «Бирлашсак, катта кучмиз!» шиори остида халқаро ёшлар форумига мезбонлик қилдик. Ушбу нуфузли тадбирда юртимиз ёқилғи-энергетика корхоналари вакиллари қаторида Қозғистон, Россия, Тожикистон, Туркия, Япония каби давлатлардан ёш энергетиклар иштирок этди. Форум асноси хорижлик меҳмонлар корхонамиз фаолияти, ишчи-ҳодимларга яратилган шароит билан яқиндан танишиб, юқори баҳо беришди.

Бир сўз билан айтганда, корхонада ишчи-ҳодимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун бор куч ва имконият ишга солинляпти.

Раҳматжон ҒОФҒОРОВ,
«Фарғона ИЭМ» АЖ матбуот котиби

Ҳикмат

**Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.**

Алишер НАВОЙЙ

